Ушбу сонда:
2 Бир Фармон шарофати — БОЗОРЛАРИМИЗ КЎРКИ
3 TV - ДАСТУРИ
4 Табиат ва биз — ЯХШИЛИК ҚОЛАДИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 24 феврал, шанба №31 (1045)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

2001 yil — Onalar va bolalar yili

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭНЕРГЕТИКАСИДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Энергетика соҳасида бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, энергетика тармоқлари корхоналарини бошқаришни такомиллаштириш ва уларнинг иш самарадорлигини ошириш ҳамда шу асосда мамлакат энергетика тизимининг барқарор ишлашини таъминлаш, иқтисодиёт ва аҳолининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида:

1. Қуйидагилар энергетика соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари деб ҳисоблансин:

энергетика тармоқларини монополиядан чиқариш тадбирларини изчил амалга ошириш, давлат томонидан тартибга солиш даражасини пасайтириш, электр энергиясини сотиш соҳасида рақобат муҳитини яратиш, хўжалик юритувчи субъектларнинг электр узатиш линияларига боғланишлари учун тенг имкониятлар ва шарт-шароитлар яратиш;

энергетика тармоғининг йирик корхоналари - иссиқлик электр станциялари, марказлаштирилган иссиқлик-электр қурилмалари, электр тармоқлари корхоналари ва бошқаларни босқичма-босқич акциялаштириш;

ижтимоий инфратузилма объектларини, лойиҳалаш, қурилиш монтаж ва тузатиш ишларини олиб борувчи корхоналар ва ташкилотларни жадал суръатларда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, улар негизида мулкчиликнинг нодавлат шаклларидаги корхоналар, шу жумладан хусусий корхоналар ташкил этиш;

энергетика корхоналарини акциялаштириш, ишлаб чиқарувчи қувватлар ва электр тармоқларини реконструкция қилиш, техника билан қайта жиҳозлаш ва янада ривожлантириш жараёнларига чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш;

электр ишлаб чиқариш, уни узатиш ва сотиш бўйича бошқарув тизимига ва хўжалик алоқаларига бозор тамойиллари ва механизмларини жорий этиш;

энергетика қувватлари ва кўмир саноатининг ўзаро боғлиқ ва мутаносиб ривожланишини таъминлаш.

2. Энергетика корхоналарини монополиядан ва давлат тасарруфидан чиқариш ҳамда акциялаштириш масалалари бўйича махсус комиссиянинг:

Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазирлигини тугатиш ва унинг таркибий бўлинмалари негизида очиқ акциядорлик жамияти шаклидаги «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси («Ўзбекэнерго ДАК»)ни ташкил этиб, унинг таркибига мустақил юридик шахс ҳуқуқлари билан «Кўмир» акциядорлик бирлашмасини киритиш;

«Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси тузилмасида электр энергияси узатиш бўйича юқори кучланишли тармоқлар шўъба корхонаси («Ўзэлектртармоқ») ташкил этиш;

«Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компаниясининг электр энергиясини тақсимлаш ва сотиш бўйича минтақавий шўъба корхоналарини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

3. Қуйидагилар «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компаниясининг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгилансин:

республика иқтисодиёти ва аҳолисини электр энергияси билан барқарор таъминлаш, республика энергетика тизими иш режимларини бошқариш ва мувофиқлаштириш;

электр энергетикаси ва кўмир саноатини ривожлантиришнинг қисқа муддатли ва узоқ муддатли прогнозларини ҳамда мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш, электр энергияси ва кўмир ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш балансларини шакллантириш;

ишлаб чиқарувчи қувватлар ва электр тармоқларини, кўмир саноати корхоналарини замонавий асбоб-ускуналар ва илғор технологиялар асосида, шу жумладан хорижий инвестициялар ҳисобига реконструкция қилиш, замонавийлаштириш, техника билан қайта жиҳозлаш ва янада ривожлантириш;

кўмир қазиб олиш бўйича геологияразведка ишларини мувофиқлаштириш, кўмир конларини очиш ва кўмир қазиб олишнинг самарали тизимлари ва усулларини жорий этиш, уни ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқаришда ундан устун даражада фойдаланиш, энергиянинг қайта тикланадиган, шу жумладан ноанъанавий манбаларини ривожлантириш ва жорий этиш;

республика корхоналари ва ташкилотлари билан биргаликда электр энергияси ва кўмирни тежаш, улардан оқилона фойдаланиш ва нобудгарчиликни камайтириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини ташкил этиш.

4. Белгилаб қўйилсинки:

«Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги томонидан тузилган шартномалар ва мажбуриятлар бўйича унинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

иссиқлик электр станциялари, иссиқлик электр марказлари, электр тармоқларининг вилоят корхоналари босқичма-босқич акцияларнинг назорат пакетини «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компаниясида сақлаган ҳолда акциядорлик жамиятларига айланиб борадилар.

5. Мустақил Электр энергетикада назорат бўйича давлат агентлиги («Ўздавэнергоназорат» агентлиги) ташкил этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, «Ўздавэнергоназорат» агентлиги ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисоб беради.

6. Қуйидагилар Электр энергетикада назорат бўйича давлат агентлигининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

электр энергияси ва кўмир ишлаб чиқариш, ташиш ва истеъмол қилиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва қоидаларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қилиш;

электр энергияси ва кўмир ишлаб чиқариш, ташишда хавфсизликни таъминлашга қаратилган профилактик чора-тадбирлари ишлаб чиқилиши ва уларнинг амалга оширилишини ташкил этиш;

лойиҳаларни экспертизадан ўтказишда ҳамда электр энергияси ишлаб чиқариш, ташиш ва истеъмол қилиш хавфсизлигини таъминлаш бўйича янгидан қурилган объектларни қабул қилиш ишларида қатнашиш;

ягона электр тизимига уланадиган доимий электр станцияларда электр энергияси ишлаб чиқаришни белгиланган тартибда лицензиялаш ишини ташкил этиш.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартишлар ва қўшимчалар тўғрисида бир ой муддатда таклифлар киритсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида» 1990 йил 28 сентябрдаги ПФ-57-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мазкур Фармонни амалга ошириш юзасидан ўн кун муддатда қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2001 йил 22 феврал

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

23 феврал куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда «Кейс-Нью Ҳолланд» корпорацияси директорлар кенгаши раиси Жан Пьер Россони қабул қилди

«Кейс-Нью Ҳолланд» корпорацияси мамлакатимизда бир неча йиллардан буён муваффақиятли фаолият кўрсатиб келяпти. Айни пайтда «Кейс» русумли техниканинг мамлакатимиз далаларида ишлаб келаётгани ҳамкорликнинг самарали бўлаётганидан дарак беради. Корпорация билан ҳамкорликда ташкил этилган «ЎзКейсмаш» қўшма корхонасида эса мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги учун кўплаб техника воситалари ишлаб чиқарилмоқда. Жумладан, 1997-2000 йиллар давомида бу ерда 697 дона «Кейс» пахта териш машинаси йиғилди. 2000 йилда ишлаб чиқарилган 200 машина лизинг асосида хўжаликларга сотилди. Жорий йилда қўшма корхонада қўшимча равишда яна 100 дона пахта териш машинаси ишлаб чиқариш тўғрисида келишувга эришилган. Ҳозир «ЎзКейсмаш»да Хитой ва Осиёнинг пахта экиладиган бошқа мамлакатларига етказиб бериш учун 4 ва 5 қаторли шундай машиналар йиғишни ташкил этиш бўйича тайёргарлик бормоқда.

«ЎзКейстрактор» қўшма корхонаси ҳам «Кейс-Нью Ҳолланд» билан ҳамкорликда ташкил этилган бўлиб, сўнгги икки йилда бу ерда 238 дона универсал ҳайдов трактори йиғилди. Жорий йилда яна 100 дона трактор ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Айни пайтда корпорация Ўзбекистонда гидравлик экскаваторлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни мўлжалламоқда. 1999-2000 йилларда Тошкент ва Хоразм вилоятларида иккита ана шундай экскаваторнинг маҳаллий шароитга мослиги борасидаги синовлар муваффақиятли якунланди. Шу сабабли жорий йилнинг иккинчи ярмидан дастлабки элликта экскаватор ишлаб чиқарилиши мумкин.

Таъкидлаш керакки, корпорация билан ташкил этилган қўшма корхоналарда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш борасида ҳам сезиларли ишлар қилинмоқда. Жумладан, бу ерда йиғилаётган техника учун бутловчи қисмларни юртимизда тайёрлаш даражаси 2000 йилда 15,4 фоизга етди. Жорий йилда ҳам ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириб, бу кўрсаткични 31,1 фоизгача етказиш мўлжалланган.

Қабул чоғида давлатимиз раҳбари «Кейс-Нью Ҳолланд» билан алоқалар тобора чуқурлашиб бораётганидан мамнуният изҳор этаркан, корпорацияни Ўзбекистоннинг ишончли ҳамкори, деб билишини алоҳида таъкидлади.

Учрашувда ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, мамлакатимизнинг «Кейс-Нью Ҳолланд» билан шерикликда иш юритаётган корхоналарида ишлаб чиқарилаётган техникани замонавийлаштириш, янги технологияларни жорий этиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

ҚУРБОН ҲАЙИТНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Диний байрам - Курбон ҳайитни дам олиш куни деб эълон қилиш ҳақида» 1991 йил 20 июндаги 221-сон Фармони ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Жорий йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 6 мартга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлар идораси мурожаатини эътиборга олиб, 2001 йил 6 март дам олиш куни деб белгилансин ва мамлакатимизда кенг нишонлансин.

2. Мутасадди идоралар ва жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайити байрамини жойларда муносиб тарзда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсинлар.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2001 йил 23 феврал

БАЙРАМ ТУҲФАЛАРИ

Наврўз байрами арафасида Сирдарё вилоятининг шаҳар ва туманларида ижтимоий-маданий ва ишлаб чиқаришга мўлжалланган 45 та янги объект фойдаланишга топширилади.

- Наврўз янгиланиш, тикланиш ва яратиш тимсолидир, - дейди вилоят ҳокимлигининг ижтимоий масалалар бўйича котибият мудири Р.Абдусаломов. - Шу сабабли қурувчилар барпо этилаётган ва қайта таъмирланаётган объектларни Наврўз байрамигача тугатишга интилмоқда. Ширин туманидаги 24 хонадонга мўлжалланган қулай ва шинам тураржой биноси, Оқолтин туманидаги 900 ўқувчига мўлжалланган иқтисодиёт коллежи, Меҳнатобод туман ветеринария станцияси учун барпо этилаётган янги бино қурилишини тугаллаш, Ховос туманидаги Чирой қишлоғини газлаштириш, Шароф Рашидов туманидаги «Сардоба» тарихий ёдгорлигини қайта қуриш ва ободонлаштириш, Сирдарё тумани «Синдаробод» хўжалигидаги иссиқхона мажмуини қайта тиклаш ишлари шулар жумласидандир.

Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллигига

Ривоят қилишларича, бундан бир неча минг йиллар муқаддам Қарши чўлларидаги Аловиддин тепаликлари ўрнида гўзал ва кўркам ҳунармандлар шаҳри бўлган экан. Халқи санъат ва ҳунармандчиликка меҳр қўйган бу баҳаво масканда илк бор ёнар чироқлар яратилган. Аловиддиннинг Шамчироғи деган афсоналар шу заминда юзага келгандир, эҳтимол. Лекин фахр ила айтишимиз мумкинки, мазкур тепаликлар ўрнида Талимаржон ГРЭСи бунёд этилаётганлиги ҳар қандай афсона бир кун келиб ҳақиқатга айланишини исботлаб турибди.



АЛОВИДДИН ЧИРОҚЛАРИ

Ўрта Осиё гиганти бўлган улкан нурхонани тажрибали қурувчи Абдурасул Бозоров раҳбарлик қилаётган қурилиш бошқармаси бунёд этмоқда.

Ҳадемай, ГРЭСнинг юраги ҳисобланган бош бинода ҳар бири соатига 800 минг, йилига эса 18 миллиард 587 миллион киловатт соат энергия ҳосил қиладиган 4 та йирик энергоблок қад ростлайди.



— Икки мингдан ортиқ ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган жамоамиз биринчи энергоблокни Республикамиз мустақиллигининг ўн йиллиги байрамига қадар фойдаланишга топшириш учун астойдил меҳнат интилмоқда, - дейди бошқарма бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Алимардон Жумаев.

ГРЭСнинг 270 метрлик минораси ҳатто ҳаво кемасидан ҳам яққол кўзга ташланади. Айни кунларда биринчи энергоблокда сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилмоқда.

Абдурасул Абдуназаров бошлиқ комплекс бригада жамоаси бунёдкорларининг жасоратли меҳнати таҳсинга лойиқ. Электр пайвандчилар Эшбўри Эшқувватов, Ҳолиқ Эгамбердиев, ишчилар Ўктам Ашуров, Файзулла Эшмуродов, Абдумалик Бойтуллаев ва бошқалар ишни виждонан ва сифатли адо этишмоқда.

— Бўлғуси корхона энергоблоклари арзон ёқилғи — Шўртандан қувурлар орқали келтирилган табиий газ билан ишлайди, - дейди биз билан суҳбатда бошқарма бошлиғи А.Бозоров. - Бир киловатт энергия ҳосил қилиш учун 318 грамм газ сарфланади. Шунинг учун соатига ҳар бири 2650 тонна буғ берадиган 4 та катта қозон ҳам қурилган. Сифат учун кураш жамоамизнинг виждон ишига айланган.

Бошқарма бунёдкорлари томонидан охирги уч йил ичида бош пудрат бўйича 4 миллиард 182 миллион сўмлик ўрнига 5 миллиард 452 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилиб, режа 130 фоизга уддаланди. 2001 йилнинг ўзида 2 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажариш режалаштирилган.

Қадимий Аловиддин тепаликлари ўрнида замонавий архитектура талаблари уйғунлашган 30 минг аҳоли яшайдиган Нуристон шаҳарчаси қад ростламоқда. Бунёдкорлар кучи билан кўплаб ижтимоий-маиший бинолар қуриб битказилди. 1500 ўқувчига мўлжалланган умумтаълим мактаби, 320 ўринли болалар боғчаси, 150 ўринли шифохона, Амир Темур номидаги 500 ўринли маънавият ва маърифат маркази, нон комбинати, савдо маркази, 120 минг квадрат метр турар-жой бинолари шулар жумласидандир.

Саховатпешалик нурчиларнинг ўзига хос анъанасига айланган. Зилзиладан азият чеккан Қарши тумани аҳолиси учун 18 хонадонли 2 та уй, Каттатол қишлоғида 420 ўринли мактаб қуриб битказилди. Бошқарма 5 та оиланинг уйини ўз ҳисобидан таъмирлаб берди.

Ишчи ва хизматчилар ижтимоий ҳимоясини тўлалигича касаба уюшмаси қўмитаси ўз зиммасига олган. Хусусан, қурувчилар учун 3 миллион сўмлик бепул тушлик ташкиллаштирилди. Аёлларнинг иш вақти бир соатга қисқартирилди. Боқувчисини йўқотган 5 та оила қўмита томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаб турилибди.

Қашқадарёдаги улкан нурхона электр чироқлари порлайдиган кунлар узоқ эмас.

И. ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

«БЕҒУБОРЛИК» МУРУВВАТИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ногирон ва қаровчисини йўқотган болаларга ғамхўрлик кўрсатувчи «Беғуборлик» нодавлат жамоа бирлашмасини жамоатчиликка таништириш маросими бўлиб ўтди.

Давра суҳбати тарзида ўтган тадбирда таъкидланганидек, тақдир тақозоси билан ногирон бўлиб қолган болалар ҳаёти доимо диққат-эътиборда турмоғи лозим. Зеро, халқимиз азалдан бундай инсонлар бошини силаб, кўнглини кўтариб келган. Ота-боболаримиздан мерос қолган кўнгли синиқ болаларга шундай меҳр-мурувват кўрсатиш анъаналари бугунги кунда янги мазмун билан бойимоқда, бу иш жамият олдида турган долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

«Беғуборлик» маркази ҳам ана шу мақсадда ташкил этилган бўлиб, ақли заиф болаларни ижтимоий реабилитация қилиш, уларга бирор касб ўргатиш, оёққа туриб кетишлари учун шароит яратиш мақсадида фаолият кўрсатмоқда. Марказнинг асосий вазифаси дефектолог-мутахассис ва олимларнинг тавсиялари асосида болаларни ёшига қараб гуруҳларга бўлиб тарбиялаш, уларнинг туғма хусусиятларини ва қобилиятларини инобатга олган ҳолда касбларга йўналтириш, энг муҳими - оилада ногирон бола туғилишининг олдини олиш тадбирларини ўтказишдан иборатдир.

Тадбирда бундай хайрли ишга қўл урган «Беғуборлик» маркази фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ҳомийлик ёрдами кўрсатиш зарурлиги таъкидланди.

(ЎзА).

Бир Фармон шарофати

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бозорларнинг фаолиятини ташкил этишни ва аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорларнинг фаолиятини ва уларни бошқаришни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори мамлакатимиздаги бозорлар, ярмаркалар негизида бошқаришнинг янгича замонавий-намунавий тузилмаси — очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятларини ташкил этиш, уларнинг молиявий жиҳатдан мустаҳкамланишига катта ҳисса қўшадиган акцияларнинг назорат пакетини барпо этишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

БОЗОРЛАРИМИЗ КЎРКИ

Ўтган вақт мобайнида ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, деҳқон, фермер хўжаликларининг эмин-эркин фаолият кўрсатишларига қулай шароитлар яратиш, истеъмолчилар ҳуқуқларини муҳофаза этиш, қонунбузарлик ҳолатлари билан муросасиз курашиш борасида диққатга сазовор ишлар амалга оширилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги тегишли мутасаддилар билан ҳамкорликда кўпгина қулайликларга эга бўлган янги бозорларни бунёд этиш, мавжудларини қайта қуриш, таъмирлаш каби тадбирларга 6 миллиард 200 миллион сўм маблағ ажратди. Дастур режаси ҳозирда ҳам изчил давом эттирилмоқда. Унга биноан, Собир Раҳимов туманида аҳоли талабига тўлиқ жавоб берадиган замонавий, кўркам универсал бозорни қуриш ишлари бошлаб юборилди. Минг ўринли савдо павильонлари Тансиқбоев мавзесидаги 1,3 гектарли майдонда қад ростламоқда. Бу ерда савдо қилувчилар учун жойлар, харидорларга хизмат кўрсатадиган маиший хизмат маркази, шинам ётоқхона, сартарошхона, тиббиёт пункти, маҳсулотлар сифатини текширувчи лаборатория, умумий овқатланиш шоҳобчалари қад ростлайди.

Жамоат тартибини сақлаш мақсадида милиция ҳамда солиқ назорати таянч пунктлари ҳам фаолият юритадилар. «Қорақамиш» ҳиссадорлик жамиятига қарашли ушбу ажойиб маскан қурилиши Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллигига муносиб совға бўлади. Бунёдкорлик ишлари жадал бормоқда. Туман аҳолиси энг қадрли байрамимиз — Наврўзи олам арафасида яна бир қулайликка эга бўлади. Бу ердаги бозор янги лойиҳа асосида қайта қурилмоқда.

«Ибн Сино» мавзесидаги 5 гектар майдонда Ўрта Осиёда ягона зоология дунёси — ажойиб зообозор бунёд этила бошланди. Шаҳар ҳокимлиги хайрли иш учун етарли миқдорда маблағ ажратган. Эътиборлиси шуки, шарқона меъморчилик усулида қурилаётган ажойиботлар марказида миллий ўйинларни ўтказиш одат тусига кириб қолади.

«Эски жўва» деҳқон бозорида ҳам қувончли ўзгаришлар бўлмоқда. Янгидан ташкил этилган жамоа пул тушумларини қатъий назорат қилиб, бозорда ҳаракатдаги ҳисобсиз ҳисобгичлар ўрнатилди. Бозорлар ва савдо шаҳобчаларини ҳисобга олиш, ҳисобот ва ҳисоблашларни ҳисобгичлар орқали амалга ошириш, ҳисобгичлардан ўтмаган маҳсулотлар ва ҳисобсиз пул воситаларини ушлаб қоли

TV дастури

26 февраль - 4 март

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ДУШАНБА, 26

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Таҳлилнома».
8.45, 17.55 ТВ-маркет.
8.50 Улуғ аждодларимизга эҳтиром. «Ўзбектелефильм» намойиши: «Бибихоним».
9.00 2001 йил - Оналар ва болалар йили. «Меҳр нури ёғар доим». Мусиқий дастур.
9.30, 11.25 ТВ-метео.
9.35 «Сеҳрли оҳу». Мультфильм.
9.50 «Ранглар жилоси».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 ТВ-1 кинотеатри. «Нотаниш ворис». Бадиий фильм.
11.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси хор жамоасининг концерти.
12.05 «Олам футболи».
12.35 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
13.00 «Аския».
13.30 «Олам». Телеальманах.
14.10 ТВ-1 намойиш этади.
14.25 «Балли, раислар!» Телемусобақа.
15.25 Кундузги сеанс. «Кўчатлар». Бадиий фильм.
16.50 ТВ-анонс.
16.55 «Зиё» студияси намойиш этади. «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».



17.25 ТВ-клип.
17.30 Экранда - телесериал. «Индаба».
18.10 «Болаликнинг мовий осмони».
18.30 «Тафсилот».
18.45 Мусиқий альбом.
18.50 «Бахтли воқеа». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Биржа ва банк хабарлари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қалбингиз қўшиққа тўлсин». Мусиқий дастур.
21.40 «Гиёҳвандлик - аср вабоси».
22.00 «Чемпион билан учрашув». Спорт дастури.
22.20 Ойнаи жаҳон тақдимоти. «Филипп Марлоу». Телесериал премьераси. 1-қисм.
23.10 «Ахборот».
23.45 Тунги сеанс. «Хевсур қиссаси». Бадиий фильм.
1.10-1.15 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр тонги».
10.00 «Янги авлод» студияси: «Уй вазифаси».
10.25 «Манзур».
10.45 2001 йил - Оналар ва болалар йили. «Фарзандим-жигарбандим».
11.00 «Давр». Ҳафта ичида».
11.40, 15.45 Мусиқий лаҳзалар.
11.50 ЎзТВ хазинасидан. «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
12.25 «Девона». Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрининг спектакли. 1-қисм.
13.15 Мультфильм.
13.30 Автосалтанат.
13.45 «Термиз». Манзарали фильм.
13.55 «Девона». Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрининг спектакли. 2-қисм.
14.55 «Жаҳон жуғрофияси»: «Акулалар».
15.55 Спорт ҳафтаномаси.
16.10 «Жейн хоним». Бадиий фильм 1-қисм.
17.45 Кўрсатувлар дастури.
17.30 «Янги авлод» почтаси.
17.50 «Олтин мих». Мультфильм.
18.00 «Камолот». Ҳаваскорлар телетанлови.
18.20 «Уйғониш асри». Ёшлар ва тарих.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва Эколаш.
19.35 Қишлоқдаги тенгдошим.
19.55 Ёшлик наволари.
20.05 Ёшлар овози.
20.25, 21.25, 22.30 Эълонлар
20.30 «Жан Кристоф». Телесериал.
21.30 «Бир ўлка-ки».
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот датури.
22.35 Тунги тароналар ва Эколаш.
22.45 «Даллас». Телесериал.
23.30 «Давр». Ахборот дастури.
23.45 «Ёшлар» телеканалида спорт: Футбол. Ҳафтанинг энг яхши ўйини.
1.15-1.20 Хайрли тун.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 Мультфильм.
18.15 «Сен ҳақингда ва сен учун».
18.30, 20.00, 21.30, 23.15 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.55 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
19.35 «Эҳтиром ила».
20.25 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
21.10, 22.05 «Экспресс» телегазетаси.
21.55 «Осойишталик фидойилари».
22.25 ТТВда сериал: «Ўғрини ушла». 11-қисм.
23.40 Оҳанглар ва эълонлар.
23.45 Кинонигоҳ. «Мижоз».
1.35-1.40 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 7.00-9.00
15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
16.15 «Мультчархпалак».
16.30 «Вести».
17.00 «Қутлуғ бахт тилаги-2». Сериал.
17.50 «Контакт».
18.05 «Бугун оламда». Ахборот қурсатуви.
18.15 CFI тақдим этади: «Байрамлар юрти».
18.40 «Клип-антракт».
18.45 «Мени кутгил».
19.40 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 «Время».
21.50 «Бизнес-ревю».
21.55 «Х-спорт».
22.05 Россия эстрадаси юлдузлари: «Жаноб офицерлар». О. Газманов иштирокидаги концерт.
23.05 Кинематограф. А. Буйнов «Яхши ва ёмонлар» фильмида.
00.45 «Ахборот» (рус тилида)
1.10 «Тунингиз осуда бўлсин».

СЕШАНБА, 27

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Рақслар гулдастаси». Мусиқий дастур.
9.15, 12.25 ТВ-метео.
9.20 «Чемпион билан учрашув». Спорт дастури.
9.40 «Шарқнинг машҳур аёллари».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Қишлоқ ҳаёти».
10.20 ТВ-1 кинотеатри. «Жабрланувчиларнинг даъвоси йўқ». Бадиий фильм.
11.50, 14.10 ТВ-анонс.
12.05 «Оламга саёҳат».
12.30 Футбол. XX асрнинг сўнгги жаҳон чемпионати. Испания-Словения.
14.15 «Маънавият» дастури.
14.55 Эстрада тароналари.
15.10 «Бешбармоқ». Тележурнал.
15.30 «Миллий манфаат».
16.00 ТВ-клип.
16.05 Монте-Карлодаги Халқаро цирк фестивали (Франция) 1-қисм.
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 Ойнаи жаҳон тақдимоти. «Қироллиқдаги саргузаштлар». Мультфильм премьераси.
18.35 «Таълим-тарбия миллий дастури амалда».
18.45 «Омад қувончи». Телешоу.
19.05 «Фермер». Тележурнал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.10 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Навоийхонлик.
21.20 «Сиёсат ва одамлар».
21.35 «Қўшиғимиз Сизга армуғон». Мусиқий дастур.
22.15 Ойнаи жаҳон тақдимоти. «Филипп Марлоу». Телесериал премьераси. 2-қисм.
23.05 «Ахборот».
23.40 Тунги сеанс. «Инсон қалби ҳақида қисса». Бадиий фильм. 1-қисм.
00.35-00.40 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» почтаси.
9.35 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
9.55 «Уйғониш асри» «Ёшлар ва тарих».
10.15, 13.00 Мусиқий лаҳзалар.
10.25 «Даллас». Телесериал.
11.10 Ёшлар овози.
11.30 «Ёшлар» телеканалида спорт: Футбол. Ҳафтанинг энг яхши ўйини.
13.10 «Жан Кристоф». Телесериал.
14.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». 69-қисм.
14.55 «Ёшлар» телеканалида спорт: Теннис.
15.40 «Жейн хоним». Бадиий фильм 2-қисм.
16.40 Ҳуқуқ ва бурч.
17.00 Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги: «Амир Темур боғлари». Видеофильм.
17.20 Кўрсатувлар дастури.
17.25 «Янги авлод» студияси: «Боланинг тили».
17.45 Ватан манзаралари.
18.00 «Таянч».
18.20 «Баҳор лавҳалари». Телефильм.
18.30 Авторейд.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва Эколаш.
19.35 «Давр»-интервью.
19.50 Баҳодир Раҳимов куйлайди.
20.05 Марду майдон.
20.25, 21.25, 22.30 Эълонлар
20.30 «Жан Кристоф». Телесериал.
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва Эколаш.
22.40 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.40 «Қоҳиранинг қирмизи атиргули». Бадиий фильм.
0.50 «Ёшлар» телеканалида спорт: Снукер бўйича жаҳон чемпионати.
1.40-1.45 Хайрли тун.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Халқ саломатлиги йўлида».
18.30, 20.00, 21.30, 23.35 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.55 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
19.35 «Эҳтиром ила».
20.25 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
21.10, 22.25 «Экспресс» телегазетаси.
21.55 «Жаҳонга нигоҳ».
22.45 ТТВда сериал: «Ўғрини ушла». 12-қисм.
24.00 Оҳанглар ва эълонлар.
00.05 Кинонигоҳ. «Америкалик қизалоғим».
1.35-1.40 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 7.00-9.00
15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Мультчархпалак».
16.25 «Клип-антракт».
16.30 «Вести».
17.00 «Қутлуғ бахт тилаги-2». Сериал.
17.55 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
18.05 «Клип-антракт».
18.15 «Кусто командасининг барча саёҳатлари». Сериал.
18.50 «Икки рояль».
20.15 «Жонли сайёра».
19.45 «Зарбдор куч-2».
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»

21.00 «Время».
21.50 «Бизнес-ревю».
22.15 «СНН-шоу».
22.30 Сан Ремо-2000 қўшиқлар фестивали саҳифаларидан.
23.00 Кинематограф. «Бегона». Бадиий фильм.
00.15 «Ахборот» (рус тилида)
00.40 «Тунингиз осуда бўлсин».

ПАЙШАНБА, 1

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ассалом, баҳор!» Адабий-мусиқий композиция.
9.15 «Зарғалдоқ». Мультфильм.
9.35, 12.20 ТВ-метео.
9.40 «Озод юрт одамлари». Бадиий-публицистик кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Талаб ва таклиф».
10.20 ТВ-1 кинотеатри. «Бегоналарнинг кириши мумкин эмас.. «мумкин». Бадиий фильм.
11.35 «Орзулар қанотида».
11.50 ТВ-клип.
12.05 «Олов — тилсиз ёв».
12.25 Телевизион новеллалар театри.
13.00 «Олам». Телеальманах.
13.35 Мусиқий драмалардан ария ва дуэтлар.
14.10 Оғир атлетика бўйича Ўзбекистон биринчилиги. Самарқанд.
14.35 ТВ-клип
14.40 «Болалигим — пошшолигим».
15.00 «Созимда севги васфи». Концерт.
15.15 «Талабалик йилларим».
15.35 Саргузашт фильмлар экрани. «Қора ўқ». Бадиий фильм.
17.00 «Фарзанд — умид юлдузи».
17.15 «Наво таралсин». Мусиқий дастур.
17.30 «Харита». Халқаро шарҳ.
17.45 «Шеър ва шуур».
18.10 Ойнаи жаҳон тақдимоти. «Қироллиқдаги саргузаштлар». Мультфильм премьераси.
18.35 «Сиҳат-саломатлик».
18.55 «Офарин» кўрик-танлови олдидан.
19.10 «Банк ва мижоз».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.40 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Мусиқа: кеча ва бугун». Мусиқий дастур.
21.45 «Қабул соати».
22.05 «Кураш — миллий ифтихоримиз». Спорт дастури.
22.25 Ойнаи жаҳон тақдимоти. «Филипп Марлоу». Телесериал. премьераси. 3-қисм.
23.15 «Ахборот».
23.50 Тунги сеанс. «Қайлиқ ўғирлаш». Бадиий фильм.
00.55—1.00 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Қувноқ учрашув».
9.35 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
9.55, 12.40 Мусиқий лаҳзалар.
10.05 Ёшлар овози.
10.25 «Даллас». Телесериал.
11.10 «Ёшлар» телеканалида спорт: Футбол. Чемпионлар лигаси.
12.55 Сийрат.
13.15 Сенинг вақтинг.
13.35 Спорт қитъаси.
14.00 Болалар экрани. «Аловуддиннинг сеҳрли шамчироғи».
15.20 «Ёшлар» телеканалида спорт: Снукер бўйича жаҳон чемпионати.
16.10 «Муҳаббат ҳаёт демакдир». Бадиий фильм 2-қисм.
17.35 Кўрсатувлар дастури.
17.40 «Янги авлод» студияси: «Олтин калит».
18.00 «Тараққиёт».
18.15 «Наврўз қушиқлари».
18.25 «Табобат оламида».
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва Эколаш.
19.35 «Давр»-интервью.
19.50 «Дастхат».
20.10 Ёшлар овози.
20.30, 21.25, 22.30 Эълонлар
20.35 «Жан Кристоф». Телесериал.
21.30 «Бегойим».
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва Эколаш.
22.35 «Даллас». Телесериал.
23.20 «Давр». Ахборот дастури.
23.35 «Ёшлар» телеканалида спорт: Футбол. Чемпионлар лигаси.
1.05-1.10 Хайрли тун.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Митти юлдузлар».
18.30, 20.00, 21.30, 23.25 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.55 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
19.35 «Эҳтиром ила».
20.25 «Табриклаймиз, қутлаймиз».

21.10, 21.55 «Экспресс» телегазетаси.
22.15 «Спорт оламида».
22.35 ТТВда сериал: «Ўғрини ушла». 13-қисм.
23.50 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ. «Граф Монте-Кристо». 1-қисм.
1.25—1.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 7.00-9.00
15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Мультчархпалак».
16.25 «Клип-антракт».
16.30 «Вести».
17.00 «Қутлуғ бахт тилаги-2». Сериал.
17.55 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
18.05 «Клип-антракт».
18.15 «Кусто командасининг барча саёҳатлари». Сериал.
18.45 «Клип-антракт».
18.55 А. Гордон ва В. Соловьёв «Жараён» дастурида.
19.40 «Махфий ҳужжатлар» (X-fails). Сериал.
20.35 «Клип-антракт».
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 «Время».
21.50 «Бизнес-ревю».
21.55 «Кино сайёраси».
22.20 Россия эстрадаси юлдузлари: «Машина времени» гуруҳи иштирокидаги концерт дастури.
23.00 Кинематограф. «Кичик полковник». Бадиий фильм.
00.10 «Ахборот» (рус тилида)
00.35 «Тунингиз осуда бўлсин».

ЖУМА, 2

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Биби Убайда».
9.10 «Куйла, дилкаш дуторим». Концерт.
9.35, 12.30 ТВ-метео.
9.40 «Унутмас мени боғим». Адабий кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Инсон ва замин».
10.20 ТВ-1 кинотеатри. «Нодир шахс». Бадиий фильм.
11.40 «Газалхон ёшлигим».
12.05 «Ўзлигинг намоён қил!» Экранда — Сирдарё вилояти.
12.35 Телевизион новеллалар театри.
13.15 «Ватан мадҳи». Мусиқий дастур.
13.50 ТВ-анонс.
«Спорт» дастури:
14.10 «Спорт, спорт, спорт». Телешарҳ.
14.30 «Шатранж олами».
14.50 ТВ-клип.
15.00 Болалар учун. «Санъат ғунчалари».
15.25 «Буни умр дерлар».
15.40 Кундузги сеанс. «Омад ҳамиша келавермайди». Бадиий фильм.
16.55 ТВ-анонс.
17.05 «Дунё адабиёти».
17.25 ТВ-интернет.
17.30 Экранда — телесериал. «Индаба».
18.10 Болалар учун. «Ҳикматлар хазинаси».
18.25 «Парламент вақти».
18.40 ТВ-клип.
18.45 «Омад қувончи». Телешоу.
19.05 «Имконият».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Тиббиёт одимлари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Назм ва наво». Навоий лирикаси.
21.45 «Биз билган, билмаган тарих».
22.15 «Киёфа».
22.35 «Олам». Телеальманах.
23.10 Волейбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Ҳарбий муаллим» (Тошкент) — «Прогресс» (Зарафшон)
23.40 «Ахборот».
00.15 Тунги сеанс «У дунёдан келган қотил». Бадиий фильм.
1.45—1.50 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси: «Олтин калит».
9.20 «Бузоқча». Мультфильм.
9.35 «Тараққиёт».
9.50, 10.35, 13.20, 16.45 Мусиқий лаҳзалар.
10.00 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
10.20 «Давр»-интервью.
10.45 «Даллас». Телесериал.
11.30 «Бегойим».
11.50 «Ёшлар» телеканалида спорт: Футбол. Чемпионлар лигаси.
13.30 «Жан Кристоф». Телесериал.
14.25 «Учинчи сайёра» маърифий дастури: «Испания қалби».
15.15 «Аму наволари».
15.35 «Одил сўз».
15.55 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 70-қисм.
17.00 «Галатепалик авлиё». Телевизион бадиий фильм.
* * *
17.25 Кўрсатувлар дастури.
17.30 «Янги авлод» студияси: «Спорт майдончаси».
17.50 Ёшлар овози.
18.10 «Келақол, Наврўз!» Мусиқий-шеърий композиция.
18.25 Ҳуқуқ ва бурч.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва Эколаш.
19.35 Азизим.
19.55 Аср қиёфаси.
20.10, 21.10, 22.30 Эълонлар
20.15 «Жан Кристоф». Телесериал.
21.15 Баҳс.
21.35 Аскар мактублари.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва Эколаш.
22.35 «Ёшлар» телеканалида спорт: «Ринг қироллари».
23.35 «Давр». Ахборот дастури.
23.50—0.00 Мунаввар тонг истаб.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Мисли гавҳар».
18.30, 20.00, 21.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.55 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
19.35 «Эҳтиром ила».
20.25 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
21.10, 22.20 «Экспресс» телегазетаси.
21.55 «Ёшлар худуди».
22.40 ТТВда сериал: «Ўғрини ушла». 14-қисм.
23.55 Оҳанглар ва эълонлар.
24.00 Кинонигоҳ. «Граф Монте-Кристо». 2-қисм.
1.30-1.35 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 7.00-9.00
15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
16.15 «Мультчархпалак».
16.30 «Вести».
17.00 «Қутлуғ бахт тилаги-2». Сериал.
17.55 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
18.05 «Клип-антракт».
18.15 М. Евдокимов ҳузурида меҳмонда.
18.50 «Кун мавзуси».
19.05 «Дурдаршан».
19.30 «Аралаш».
19.40 «Мўъжизалар майдони».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.55 «Бизнес-ревю».
22.20 «Соккер клуб».
22.40 Кинематограф. «Зевс ва Роксана». Бадиий фильм.
00.10 «Ахборот» (рус тилида)
00.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ШАНБА, 3

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.35 «Ахборот».
8.35 Газеталар шарҳи.
8.50 «Аму наволари». Концерт.
9.15, 11.45 ТВ-метео.
9.20 «Карлсоннинг қайтиши». Мультфильм.
«Умид» намойиш этади.
9.40 «Бахтимизга омон бўлинг».
10.00 «Шу Ватанга бордур менинг керагим».
«Спорт дастури».
10.20 «Ринг». Спорт дастури.
10.40 Волейбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Автомобилчи» (Қўқон) — «Самарқанд-Телеком» (Самарқанд)
11.10, 13.55 ТВ-анонс.
11.20 «Телевидение ва томошабин».
11.50 «Яхши кайфият». Мусиқий дастур.
12.20 «Ёзувчи ва замон».
12.40 ТВ-1 кинотеатри. «Гул ва тош». Бадиий фильм. 1-қисм (Ҳиндистон)
14.00 «Дўстлик» видеоканали. 1.»Мехрангез». 2. «Жетиген».
14.20 «Гул ва тош». Бадиий фильм. 2-қисм.
15.35 «Нурафшон». Тележурнал.
15.55 Футбол. XX асрнинг сўнгги жаҳон чемпионати. Англия — Германия.
17.25 «Мўъжизалар майдончаси». Телевизион ўйин.
18.05 «Истеъдод». Мусиқий дастур.
18.25 Болалар учун. «Бинафша».
18.50 «Санъат олами».
19.10 «Қишлоқ ҳаёти».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.55 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Навоийхонлик».
21.15 «Даврани кенгроқ олинг». Мусиқий дастур.
21.45 «Иш билганга — минг танга». Телетанлов.
22.25 Эркин ва юнон-рум кураши бўйича «Мустақиллик кубоги» халқаро турнири.
23.00 «Ахборот».
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури:
23.35 «Жазда фақат қизлар». Бадиий фильм.
1.10-1.15 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси: «Спорт майдончаси».
9.20 «Жаҳон жуғрофияси»: «Акулалар».
10.10 «Табобат оламида».
10.30, 15.15 Мусиқий лаҳзалар.
10.40 Ёшлар овози.
11.00 «Ёшлар» телеканалида спорт: «Ринг қироллари».
12.00 «Аср қиёфаси».
12.15 «Рамаяна». Телесериал.
12.50 Ўзтелерадиокомпаниясидуторчилар ансамблининг концерти.
13.10 «Кутилмаган меҳмон».
13.30 Мутойиба.
13.50 Бола тилидан.
14.20 «Жан Кристоф». Телесериал.
15.25 Ҳайрат.
15.45 «Ёшлар» телеканалида спорт: Теннис.
16.30 «Оби ҳаёт». Тележурнал.
16.50 «Келинлар кўзғолони». Бадиий фильм.
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси: «Бўш ўтирма».
18.25 «У ким? Бу нима?» Болалар учун кўрсатув.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.



19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва Эколаш.
19.35 Каталог.
19.45 «Соҳибқирон боғлари». Мусиқий дастур.
20.00 «Европа билан ҳамкорликда». Биродарлашган шаҳарларнинг Тошкент анжуманн.
20.20, 21.00, 23.10 Эълонлар
20.25 «Рамаяна». Телесериал.
21.05 Ёшлар овози.
21.25 «Футбол плюс».
21.45 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Кўнгил кўнгилга пайванд.
23.00 Тунги тароналар ва Эколаш.
23.10 Шанба экрани. «Қиш адоғи». Бадиий фильм.
0.45—0.50 Хайрли тун.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 Мультфильм.
18.15 «Сен ҳақингда ва сен учун».
18.30 «ТВ-плюс».
18.50 «Бу ҳам кино». Телесериал. 11-қисм.
19.15 «Эҳтиром ила».
19.45, 20.45 «Экспресс» телегазетаси.
20.05 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
21.05 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Сериал.
21.55 «Дурдона».
22.10 «Аёл – она, мураббий, раҳбар» телеклуби.
22.30 «Спорт-тайм».
22.50 Оҳанглар ва эълонлар.
22.55 Кинонигоҳ. «Судда кўришгунча».
00.25—00.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Инглиз тили Сиз учун».
9.20 «Кино сайёраси».
9.45 «Дурдаршан».
*10.10 «Смак».
10.30 Е. Петросяннинг «Кулгу панорамаси».
11.10 Кундузги сеанс: «Қойилмақом еттовлоннинг янги саргузаштлари». Бадиий фильм.
12.45—13.35 Дўстлик видеоканали: «Чинсен», «Немис шарҳи», «Сахий хонадонда».
16.30 Кўрсатувлар тартиби.
16.35 «Жажжи малика».
17.10 «Интернет ҳудуди».
17.25 CFI тақдим этади: «Денгиз афсонаси».
17.50 «Мюзик-холл».
18.15 «Эслашлари учун» Л. Филатов олиб боради.
19.10 Буюк изқуварлар: Лейтенант Коломбо.
21.00 «Время».
21.40 «Бизнес-ревю».
21.45 «7 дан 70 гача».
22.15 Кинематограф. А. Челентано «Бинго-Бонго» фильмида.
23.45 Ахборот (рус тилида)
00.10 «Тунингиз осуда бўлсин».

ЯКШАНБА, 4

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.05 «Достон». Фольклор-этнографик ансамблининг концерти.
9.20, 11.55 ТВ-метео.
9.25 «Гаройибот».
9.40 Мультфильм.
«Умид» намойиш этади:
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Яхши ният». Телелотерея.
11.35 «2001 йил - Оналар ва болалар йили». «Она меҳри».

12.00, 14.10 ТВ-анонс.
12.05 «Шоирлар - болаларга».
12.25 «Ошиқ буёқчи ҳақида эртак». Бадиий фильм.
13.45 «Наврўз нафаси». Адабий-мусиқий композиция.
14.15 «Қувноқ шаҳарча». Телевизион ўйин.
14.40 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10-йиллигига.** «Мустақиллик тимсоли». Ўзбекистон театрларининг фестивали. А. Навоий. «Искандар». Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек давлат Драма театрининг спектакли.
16.00 ТВ-клип.
«Спорт» дастури.
16.10 Яккама-якка жанг. Таэквондо.
16.30 «Бильярд клуб».
17.00 «Спорт уик - энд».
17.20 «Қалб гавҳари».
17.40 Ойнаи жаҳон тақдимоти. «Қироллиқдаги саргузаштлар». Мультфильм премьераси.
18.05 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.25 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
18.45 «Оҳанглар ва ошуфта қўнгил». Мусиқий дастур.
19.05 «Тўртинчи ҳокимият».
19.25, 20.00, 20.25, 21.10, Эълонлар
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 «Олтин мерос».
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Якшанбада Сиз билан бирга». Мусиқий дам олиш дастури.
21.45 «Телевизион миниатюралар театри».
«Спорт» дастури.
22.15 Эркин ва юнон-рум кураши бўйича «Мустақиллик кубоги» халқаро турнири.
22.45 «Олам футболи».
23.15 ТВ-1 намойиш этади.
«Якшанба кинозали».
23.30 Кино янгиликлари.
23.45 «Кўрсатув тайёрлаш машаққатлари». Бадиий фильм.
1.25-1.30 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси: «Бўш ўтирма».
9.20 «Футбол плюс».
9.40 Ёшлар овози.
10.00 Болалар экрани «Маугли».
11.35 «Ёшлар» телеканалида ҳарбий-ватанпарварлик дастури: 1. Марду майдон, 2. Аскар мактублари.
12.15 «Очил дастурхон».
12.30 «Рамаяна». Телесериал.
13.05 «Фарғона наволари». Мусиқий дастур.
13.25 Қишлоқдаги тенгдошим.
13.45 «Икки юз ёшли одам». Бадиий фильм.
15.50 Спорт ҳафтаномаси.
16.05 «Учинчи сайёра» маърифий дастури: «Синовчи учувчилар».
16.50 Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги: «Амир Темур боғлари». Видеофильм.
17.10 Кўрсатувлар дастури.
17.15 «Янги авлод» студияси: «Ким эпчил-у, ким чаққон?»
17.40 «Ақлдан оздирадиган ўйинлар». Телесериал.
18.05 Якшанбада кўришгунча.
18.20 Очун.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ҳафта ичида».
19.40 «Худуд».
20.00 Синфдош.
20.20, 21.00, 23.10 Эълонлар
20.25 «Рамаяна». Телесериал.
21.50 «Ёшлар» телеканали тақдим этади: «Тарона-2001» мукофотларини топшириш маросимидан ёзиб олинган мусиқий дастур.
22.00 «Давр»-news.
22.15 «Тарона-2001». Мусиқий дастур (давоми)
23.15 «Ёшлар» телеканалида премьера: «Кечиккан балиқ ови». Бадиий фильм.
0.45-0.50 Хайрли тун.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Митти юлдузлар».
18.30 «Бу ҳам кино». Телесериал. 12-қисм.
18.55 «Эҳтиром ила».
19.25, 20.50 «Экспресс» телегазетаси.
19.45 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.25 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Сериал.
21.15 «Тошкент ва тошкентликлар».
21.35 «Оналар дунёси».
22.00 Оҳанглар ва эълонлар.
22.05 Кинонигоҳ. «Шерлок Холмс ва доктор Ватсон». 5, 6-қисмлар.
00.30-00.35 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Яхши кайфият». Дам олиш дастури.
10.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари».
10.30 «Ҳамма уйдалигида».
11.40 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
11.20 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
13.00 «Парле ву франсэ?»
13.25 «Фан-тайм».
13.35 «Дўстлик» видеоканали: «Маврид», «Дидар».
14.10-14.40 «Немис тили».
16.30 Кўрсатувлар тартиби.
16.35 «Мульт

Назм бўстони

КУТ МЕНИ

Беназир Ёлғоним, сен сабаб
Талатўп дунёда еляпман.
Кўзимни юмганча, мен, фақат
Ўзингга сиғиниб келяпман.
Дилимнинг энг оғриқ нуқтаси
Келмасайдим, ёнгуси
Еру кўкда тоқат ёнгуси
Наҳотки, бир йўқлаб бормайсан.
Умидим — Анқонинг боласи.
Эътиқоди олий эдимми?
Балки, сен шунчаки баҳона
Эзилиб яшашни севдимми?
Азобдан азобим — Бегонам!
Дилимнинг энг оғриқ нуқтаси
Умидим — Анқонинг боласи
Яқиндан яқиним — Бегонам.
Кут мени, кут мени, кут мени,
Боряпман совуриб умрни.
Сен томон дунёи муборак!

* * *

Сен кимсан, мен кимман, биз киммиз ахир?!
Дунёга нимани келдик ахтариб?!
Излаб етолмаган бизми бечора?!
Топиб беролмаган дунёми ғариб?!
Қисмат муқаррардир,
ҳикмат муқаррар,
Қаерга бунчалар шошамиз тўзиб?
Йиллар жисмимизда бўй чўзган маҳал
Йилларда умримиз боради озиб
Сен кимсан, мен кимман, биз киммиз ахир?!

Дилором ҲАМРОЕВА,
Шофиркон.

Шу йилнинг 3-4 март кунлари пойтахтимизнинг «Юнусобод» спорт мажмуида эркин ва юнон-рум курашлари бўйича «Мустақиллик кубоги» халқаро турнири бўлиб ўтади. «Гран-при» туркумига кирувчи ушбу нуфузли мусобақада жаҳоннинг ўнлаб таниқли курашчилари иштирок этиши кутилмоқда.

Суратда: «Мустақиллик кубоги» совринлари ғолибларга мунтазир.

А.РИЗҚИЕВ (ЎзА) олган сурат.

НАВБАҲОРДА КАРАТЭ КЛУБИ

Навбаҳор туманида «Самурай» профессионал каратэ клуби иш бошлаганига кўп бўлгани йўқ. У туман ёшларини спортнинг ушбу оммалашиб бораётган турига жалб этиш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ишларига муносиб ҳисса қўшмоқда. Қисқа вақт ичида «Янгиқўрғон», «Навбаҳор» ширкат хўжаликларида клуб бўлимлари ташкил этилди. Эндиликда уларда юздан зиёд ёшлар шуғулланмоқда.

- Клубимиз Навоий вилоятида биринчи бўлиб тузилди, - дейди унинг раиси Отабек Акрамов. - Шунинг учун ҳам республика чемпионатида нафақат туманимиз, балки вилоят шарафини ҳам ҳимоя қиламиз. Ниятимиз - Осиё ва жаҳон чемпионатларида иштирок этиб, Ватанимиз довруғини ёйишга қодир ёшларни тарбиялаш. Ҳозир саккиз нафар каратэчимиз республика чемпионатида муваффақиятли иштирок этмоқда.

БУ ТУРФА ОЛАМ

Ҳолливудга оид янги миш-миш тарқалди. Бундан буён машҳур супержосус Жеймс Бонд ролини аёл киши ўйнайди. Хабарда айтилишича, Буюк Британиялик актриса Кэтрин Зета-Жонс «Агент-007» фильмида бош ролни ўйнаш учун синовдан ўтмоқда. Илгари Жеймс Бонд ролида Шон Коннери, Рожер Мур ва Пирс Броснан каби таниқли актёрлар ўйнаб келар эди. 38 йилдан буён саҳнадан тушмай келаётган бу киноасар мазкур актёрларни нафақат машҳур, балки бадавлат ҳам қилиб юборди.

* * *

Нью-Йорк штатидаги Лебанон шаҳри фуқароси Регина Циммерман ўзига нисбатан чиқарилган суд ҳукмини эшитиб тили калимага келмай қолди. Майда ўғирлик билан тўрт марта қўлга тушган одамга қамоқ жазоси ўрнига муқобил йўлни таклиф қилишди. Қандай жазо белгиланишидан бехабар ўғри бунга рози бўлди. Чиқарилган ҳукмга биноан, бир йил давомида Циммерман савдо дўконларига кирганда, албатта, бўйнига «дўконларга ўғирликка киргани учун айбланади» деб ёзилган тахтачани осиб олиши керак.

* * *

Польшанинг Битов шаҳридаги эски уй чордоғидан Адольф Гитлернинг уч юзга яқин фотосурати топилди. Мазкур уйни яқингинада сотиб олган Анжей Церапинский томни таъмирлаётган чоғда Гитлернинг гоҳ пиво ичаётгани, гоҳ ўз партиясининг қурултойи ёки митингларда сўзга чиққани, гоҳ футбол ўйнаётгани тасвирланган суратларини топиб олган. Ҳозир А.Церапинский ноёб топилмани нима қилиш ҳақида бош қотирмоқда.

* * *

Литванинг Шауляй шаҳрида истиқомат қилувчи Алгимантас Баублис оиласи, мана 20 йилдирки, уч хонали уйида кактус парвариш қилади. Ҳозиргача уларнинг сони саккиз юзга етди. Жой танқислик қилганидан эр-хотин барча хоналарни арзанда ўсимликларга бўшатиб бериб, ўзлари ошхонада яшаб келмоқда. Улар ҳатто севимли мушук ва итларини ҳам қишлоқдаги қариндошларига бериб юборди.

(ЎзА).

ФУТБОЛ ҲАКАМИ ЭНДИ МАЛАКАСИ ВА ХОЛИСЛИГИГА ҚАРАБ ҲАҚ ОЛАДИ

Футбол бўйича мамлакат тўққизинчи миллий чемпионатининг бошланишига ҳам саноқли кунлар қолди. Хўш, жамоалар унга тайёрми? Ҳакамлар-чи? Биз Республика Футбол федерацияси Ҳакамлар қўмитасининг раиси Ахбор ака ИМОМХЎЖАЕВдан бу йилги чемпионатга тайёргарлик жараёни, жорий этилган янгиликлар тўғрисида сўзлаб беришни илтимос қилдик.

ўтказишни режалаштирганмиз. Мақсадимиз вилоятларимизга кўпроқ имкон бериш, жойлардаги истеъдодларни юзага чиқаришдир.

Футбол бўйича «Фахрий ҳакам» унвонини жорий этиш тўғрисида низом ишлаб чиқяпмиз. Чемпионатларимизда фаол ҳакамлик қилган, кўплаб шогирдлар етиштирган тажрибали ва ҳурматли ҳакамларга ушбу унвон берилади.

Халқаро тоифадаги ҳакамларимиз сони, мавқеи тобора ошиб бораётгани ҳам қувонарли ҳолдир. Чунончи, бу йил етакчи ҳакамларимиздан ФИФА ҳаками Ноил Лутфуллин МДҲ чемпионлари мусобақасида қатнашиб, яхши баҳо олди. Тошкентлик ҳакам Арслон Ҳотамовга ташриф қоғози келиб, у 2002 йилги жаҳон чемпионатига саралаш ўйинларида қатнашиш учун ҳозирда Қувайтга жўнаб кетган. А. Ҳотамов саралаш мусобақаларида ёрдамчи ҳакам сифатида майдонга тушади.

Яна бир янгилик шундан иборатки, ҳакамларга тўланадиган ҳақ миқдори оширилди. Эндиликда олий лигадаги бош ҳакам ҳар бир ўйин учун 25 минг сўмдан ҳақ олади. Назоратчи ҳакам учун ҳам худди шундай миқдор белгиланди. Биринчи лигада эса бош ва назоратчи ҳакам учун ҳар бир ўйинга 12 минг сўмдан тўланади. Агарда мамлакат Кубоги учун баҳсларда турли лигалар жамоалари ўзаро куч синашадиган бўлса, ҳисоб-китоблар ҳам шунга яраша амалга оширилади. Бу назоратчи ҳакамларимизнинг мавқеи ва масъулиятини янада оширишига шубҳа йўқ.

Илгари ўйинни ўтказганидан сўнг ҳакам қандай баҳо олишидан қатъий назар белгиланган миқдордаги бир хил ҳақни олаверарди. Эндиликда бу борада ҳам адолатли йўл тутилади. Яъни у ҳақни назоратчи ҳакамнинг қўйган баҳосига қараб олади. Чунончи, 10 балли тизимда 7 ва ундан юқори балл олган ҳакамларга 100 фоиз, 6 дан 5,9 баллгача баҳога эга бўлганларга 65 фоиз, 5 дан 5,9 баллгача лойиқ кўрилганларга 30 фоизлик ҳақ тўланади. 5 баллдан кам баҳоланган ҳакамларга умуман ҳақ тўланмайди. Улар учун баҳолар Ҳакамлар қўмитаси томонидан тасдиқланади. Демак, ҳакамларимиз ўз малакаларини ошириш йўлида янада кўпроқ ишлашга ва майдонда холис ҳаракат қилишга мажбурдирлар.

Ўйлаймизки, ҳакамлик соҳасидаги ўзгаришлар бу йилги мавсумда ўзининг ижобий меваларини беради.

Суҳбатдош: Дилшод ИСРОИЛОВ.

ОНАЛАРНИ ШАРАФЛАБ

Нукусда Оналар ва болалар йилига бағишлаб «Фарзандлар оналарни шарафлайди» мавзуида кўрик-танлов ўтказилди. Унда Қорақалпоғистоннинг барча шаҳар ва туманларидан 15 ёшгача бўлган юз нафардан зиёд иқтидорли ўғил-қиз иштирок этди. Улар энг азиз, энг мўътабар оналарни, бахтли болаликни, мустақилликни, жонажон диёрни ўз қўшиқларида тараннум қилдилар.

Биринчи ўринга «Онажон» ашуласини маромига етказиб ижро этган Хўжайли тумани вакили К.Давлатов муносиб топилди.

БИР ҲОВУЧ ГАВҲАР

Ҳар бир нарсанинг калити бор. Жаннатнинг калити — мискин фақирларни севишдир.

* * *

Кураш тушиб йиқитган эмас, балки ғазаби келганда ўзини босиб олган одам кучлидир.

Бойлик молу дунёнинг кўплиги билан эмас, балки нафснинг тўқлиги биландир.

* * *

Илмни ўрганиб сўнг уни бошқаларга ўргатмаслик гўёки молу дунёни йиғиб, уни сарф қилмай, кўмиб қўйиш билан баробардир.

* * *

Одамлар билан муроса-ю мадорада бўлиш ҳам садақа ҳисобланур.

* * *

Кимки бировнинг ёзаётган ёки келган хатини берухсат ўқишга интилса, гўёки у дўзахга интилган бўлади.

* * *

Кимки қилмишига пушаймон бўлиб, узр сўраган одамни кечириб юборса, унинг хатоларини ҳам тангри қиёмат куни кечирур.

* * *

Ҳалол касбдан чарчаб ухлаган одам гуноҳлари кечирилган ҳолда тунайди.

* * *

Қайси бир мўминга тангри солиҳа хотин насиб қилган бўлса, демак унинг диёнатининг ярмига ёрдам қилибди. Қолган иккинчи ярми учун унинг ўзи ҳаракат қилсин!

Табиат ва биз

Доғистон шоири бир шеърида: «Тоғ манзарасига тенг гўзаллик йўқ» деган эди. Лекин тоғ ўз гўзаллигини бир кунлик меҳмон ёки саёҳатчига кўрсатмайди.

ЯХШИЛИК ҚОЛАДИ

Тоғни эсласам, бир қизиқарли суҳбат ёдимга келаверади. Чилла совуғида гувиллаётган арча ўтинининг ёнишига маҳлиё бўлиб ўтирган отахонлар ёшлик чоғларидаги ғаройиб саргузаштлар ҳақида гурунглашишарди. Агар ёш ўтганда ёнбошлаб, ўтган кунлар эсланса, бу — қарилик белгиси, борди-ю эзгу ниятлар қилинса, бу — кўнгил ёшлигидандир. Бир пайтлар довруғ таратган полвонлардан Норқул ва Шерқул боболар ҳаммани ўзларига қаратиб ўтиришарди.

Полвонлар беллашуви ҳақидаги суҳбат улоқ билан боғлиқ гапларга уланиб кетди. Фақат мезбон Бегимқул бобо бир бурчакда гапга аралашмай, жимгина ўтирарди. 97 баҳорни қаршилаган, юзини босволди қовуннинг тўрларидай ажин босган бу отахонни гўё ҳеч нарса қизиқтирмаётгандек. Гап каклик овига бориб тақалганда у бирданига хушёр тортиб, суҳбатга аралашди. У қирқ йил аввал Мадамин мерган билан каклик овига боргани, тоғда тунаб қолишгани ва гулхан атрофида каклик шўрва қилишгани ҳақида завқ билан ҳикоя қилар экан: «Ҳали ҳам ўша шўрванинг таъми оғзимда», деб қўйди.

Кейин Шерқул ота ҳам ёшликда тоғлар кезгани, қир-адирлар ҳавосининг мусаффолигини таърифлаб кетди. «Бундай ҳаво булоқ сувини сипқоришдек гап», - дея завқланди у. Яна кимдир қўнғирбош ва ирхон ўсган яйловларда яйраган биялларнинг қимизидан тотиб кўрганлиги, ҳузуридан арча тагида, тоғ шабадасида «қотиб» ухлаганини хотирлади. Шуни айтадилар-да, ёшликда кўрган, завқланган қолади деб. Хотиротни ажиб воқеалар, саъй-ҳаракатлар бойитиши, савобли ишларга қўл уриш, кексайганда хаёлан ёшликка қайтиш, яна бир бор энтикиб, ҳаяжонланиш кўнгилдаги эзгуликка эпкин бераверади. Дунёда яхшилик қолади, дейилишининг боиси ҳам шунда. Тоғ гўзаллиги ҳақида кўпроқ тўхталишимиз бежиз эмас. Чунки табиатни севган, асраган, ўз уйим деб билган инсон қалбида ватанпарварлик ҳисси кўпроқ жўш уради — зеро, одамнинг кимлигини у яшаган йиллар эмас, умр мазмуни белгилайди.

Ғофур ЖЎРАЕВ.

— Бу йил олий ва биринчи лига ўйинларини бошқариш масъулияти 88 нафар ҳакам зиммасига юклатилган. Йил бошиданоқ улар билан тайёргарлик ишларини бошлаб юбордик. 29 январда республикамиздаги ҳакамлар, ўқитувчи-йўриқчиларни йиғиб, уларни янги чемпионат дастури, Халқаро футбол федерацияси томонидан ўйин қоидасига киритилган ўзгаришлар билан таништирдик. Келишилган ўйинларни йўқ қилиш, ҳакамларнинг жисмоний ва назарий билимларини ошириш мақсадида олий ва биринчи лига ҳакамларини икки гуруҳга бўлган ҳолда 3-21 феврал кунлари Тошкент, Чирчиқ, Фарғона ва Қарши шаҳарларида ўқув-машғулот йиғинларини ўтказдик. Йиғинларга Анвар Солижонов, Назир Ризаметов, Комилжон Мирзабоев, Баҳодир Мирзаев, Радик Серазетдинов каби тажрибали мутахассислар бошчилик қилишди.

Баъзи вилоятларда ҳалигача олий лига ҳакамлари ва назоратчилари йўқ эди. Барча вилоятларга ҳакам ва инспекторларни тақсимлаган ҳолда чемпионат арафасида улар иштирокида икки кунлик семинар машғулотларини

БОШҚОТИРМА

Бўйига: 1.Шошмақом рақс куйларининг номи. 2.Йўл бошловчи. 3.Ер — хазина, сув —... (матал). 4.Шимолий Америкадаги давлат, 5.Доим шарқ томонни кўрсатиб турувчи географик асбоб. 6.«... Каренина». 13.Адолатли инсон. 14.Дунё, борлиқ. 17.Тропик мамлакатларда етиштириладиган ҳўл мева. 18.Ҳужжатнинг асосий қисми. 19.Геометрик шакл. 20. Манфий зарядланган катод. 21.Бозордаги дўконлар тизмаси. 22.Греция пойтахти. 30.Сурия давлати пул бирлиги. 32.Портловчи модда. 33.Қизлар исми. 34.Мақтанчоқ, сатанг. 35.Ўзбек уруғларидан бири. 36.Сайёра. 37.Мусиқа асбоби. 40.Автомобил русуми.

Энига: 7.Тана аъзоларининг тамоман ҳаракатсиз бўлиб қолишидан иборат касаллик. 8.Қардош халқ эпоси. 9.Полиз экини. 10.Унвон, даража. 11.Пайғамбаримизнинг биринчи исми. 12.Мусиқали йирик санъат асари. 15.Камёб, қимматбаҳо. 16.Миллий газлама тури. 18.Истак, ният. 20.Тасма, қайиш. 23.Уруғидан қандолат маҳсулотлари тайёрланадиган дарахт. 24.Ҳайитдан олдинги кун. 25.Ов қуши. 26.Ранг-баранг патли жонивор. 27.Чўл, биёбон. 28.Тумшуғи узун кўчманчи қуш. 29.Гўзал, бежирим. 31.Сув ҳавзаси ёқасига қурилган «тўғон». 33.Якка, ёлғиз, ягона. 35.Манфий миқдорни билдирувчи белги. 37.Юрак хасталиги туфайли нафаснинг бузилиш касаллиги. 38. «Кеча ва кундуз» романида Раззоқ сўфи томонидан ўз хотинига берилган лақаб. 39.Милтиқ қисми. 41,Геологик даврнинг барча хусусиятлари. 42.«Тушда кечган умрлар» асари муаллифи. 43.Уч электродли лампа.

Тузувчи: Р.ЗОИРОВ.



Газетамизнинг 22-сонида берилган кроссворднинг жавоблари

Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида: 1.Дилором. 2.Ғаниева. 3.«Ваҳфия». 4.Кобулий. 5.«Мунножот». 6.Аҳмаров. 7.Музаффиб. 8.Фарҳод. 9.Суҳайл. 10.Худҳуд. 11.Арасту. 12.Огаҳий. 13.«Арбаин». 14.Дилдор. 15.Мирали. 16.Ширин. 17.Мунис. 18.Лутфий. 19.Биноий. 20.Бобур. 21.Фоний. 22.Бердақ. 23.Рубоий. 24.«Оташкада». 25.Назарова. 26.«Муншаот». 27.Низомий. 28.Ғофуров. 29.Хўжаев. 30.Ражабий. 31.«Навоий». 32.Ашрафий.

МУАММОНОМА

Очқич сўзлар: 1.Ёсуман. 2.Дурсултон. 3.«Муфрадот». 4.«Абушқа». 5.Марсия. 6.Таржиъбанд. 7.Карам. 8.Аруз.

Ҳикмат: Ким араб алфозида жинси муаннисдир қуёш, яъни араб лафзида офтоб Аёл жинсидандир.

«Ўзбекнефтгаз» МХК ва қарашли «ЎзЛИТИнефтгаз» ОАЖ раҳбарияти ва жамоаси шу илмгоҳнинг касаба уюшма қўмитаси раиси Абдуқодир Абсадиқовга падари бузруквори **АБСАДИҚ ота**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 22.50

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2124. 1 2 3 4 5 6